



2018-YIL 22-SENTABR  
SHANBA

www.yoshlarovozi.uz  
E-mail: yoshlarovozi@mail.uz

111  
(16268)

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

Saitmizga utqir QR-kodni  
telefoningiz orqali skaner qiling.



# YOSHILAR OVOZI

## IMKONIYAT

### КЕЛ, КҮР ВА ТАЪЛИМ ОЛ!

Ёшлар ижод саройида "Таълим ва мутахассислик" XIX халқаро кўргазмаси бўлиб ўтмоқда  
YOUR CHINA - ОБУЧЕНИЕ В КИТАЕ



Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Савдо-саноат палатаси, Олий ва ўрта махсус таълим, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда АҚШ, Хитой, Франция, Ҳиндистон, Япония, Германия, Латвия, Сингапур каби давлатларнинг нуфузли олий ўқув юртлиари ва уларнинг юртимиздаги филиаллари, мамлакатимиздаги олий таълим муассасалари, хорижда таълим олишга кўмаклашувчи ташкилотлар ҳамда нодавлат таълим муассасалари иштирок этмоқда.

Таълим ва ва бандлик йўналишларида ўтказилаётган кўргазмада йигит-қизларга нафақат диёримиз, балки хорижий мамлакатлар таълим муассасаларидаги мутахассисликлар, уларда талабалар учун яратилган имкониятлар, ўқув жараёни, соҳадаги янгилликлар хусусида маълумот берилди.

Шунингдек, қўшимча хўнар урганиш ёки малака ошириш истагида бўлган ёшлар республикамизда фаолият олиб бораётган ўқув марказлари фаолияти билан танишиш имконига эга бўлди.

— Ўзбекистонлик ёшларнинг билим олишга бўлган иштиёқи кўриб, қувондим, — дейди Токио университети вакили Сето Тоширо. — Таълим даргоҳимиз хорижий талабалар сони бўйича Японияда иккин-



чи ўринда туради. Келажикга бефарқ бўлмаган, аниқ мақсад сари қадам қўётган, байратли ўнги-қизларни университетимизга таклиф этамиз.

Кўргазма доирасида бандликка кўмаклашувчи марказлар, йирик компаниялар иштирокида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.

Ёшлар иттифоқи қошидаги марказлар томонидан намоиш этилган ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ахборот технологиялари соҳасидаги билимларини ошириш ва хорижий тилларни ўргатишга қаратилган bepul тўғарақлар

ва ўқув курслари ҳақидаги тақдирлар ҳеч қандай бефарқ қолдирмади.

— Ушбу тўғарақлар менга катта қизиқиш уйғотди, — дейди кўргазма иштирокчиси Гулмира Расуллова. — Дўстларим билан мазкур тўғарақларга аъзо бўлиб, билимимизни янада мустаҳкамлаймиз. Шу билан бирга, ўзимиз қизиққан касб сирларини мукамал ўрганаемиз.

Бундан ташқари, "Таълим ва мутахассислик" кўргазмаси давомида Ёшлар иттифоқи ҳамда Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги томонидан эълон қилинган "Мен танлаган олийгоҳ!" видеороликлар танловининг ғолиб ва совриндорлари аниқланиб, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Маъмура ХҲҲАҚУЛОВА

## 21-SENTABR — XALQARO TINCHLIK KUNI

Кўёдан аввал уйғонган бола иссиқ nonни қаймоққа қўшиб егач, отаси совға қилган китобни кўнжиги солиб қўйларни кўрадан чиқарди. У пахта экилган майдонлар ўртасида ўтган кўчадан кетиб бораркан, Боботог ортидан кўёш кўриниш беради. Болакай гектарлик алоҳидаги зовур ёқасига етгач, қўйлар гўза оралаб кета олмаслигига ишонч ҳосил қилиб, китобини қўлга олди. У навбатдаги ҳикояни ҳижжалаб ўқиркан, тоннинг сокин ва гўзал манзараси — шудринг тушган майса, заъфарон тусга кирган дараклар, тиниқ осмон кўзига тенгсиз мўъжизадай кўринади. Болакай бу қандай сир эканини аниқ идрок эта олмайди, аяни пайта бу ҳис кўнглига ҳузур бағишлайди.

### ОРЗУЛАР ДЕБОЧАСИ



Шу тобада икки юз чақирим нарида унга тегдош бошқа бир болакай даҳшатли овоздан чўчиб уйғонади. Бу товуш билан баробар дунё титраб кетади. Она замин ҳам оғир ҳўрсингандай бўлади. Жингалак сочи пешанасига тушган, юз-қўли кир

ва қоп-қора кўзига ҳадик муҳр урган бу болакай атрофга аланглаб ота-онани ахтарди. У аввал хонанинг бир бурчида уқасини бағрига босиб ўтирган онасини, кейин эшик қаршисида совуқ қурулни ташқарига ўнглаб турган отасини кўради...

Оқшом чоғи бола кўёш ботишини томоша қиларкан, ота-онани ва уқаси бугунги талотўплан омон қолганига шукрона келтиради. Юрак ҳовучлаб

эрта тонгда ёлғиз ўзи қўй ҳайдаб кетиши, Боботог ортидан кўринган кўёшни қарши олиши, кузги хирмондан инига дон ташитган чумолини кузатиб ўтириши — бунинг барчаси ТИНЧЛИК эканини ҳам билади. Тагин шу тобада дарё ортида у томонга умид ва ишонч ила боқиб турган тенгдоши борлигини ҳам ҳис этади. Бу тўйғу унинг кўнглида улкан орзуга дебоча очади. У энди кўпроқ китоб ўқиб, дунё аҳлига маърифат улашини ният қилади. Негаки, фақат шу билан у дарё ортидаги тенгдошининг орзусини амалга ошириш мумкинлигини билади.

Ўз ўрнида дарё ортидаги болакай қачондир тонг кўёши кўлиб боқиб, оғриқлардан инграган Она заминда ТИНЧЛИК ҳукм суришига ишонади. Зеро, у ўша сирли ўлкада МАЪРИФАТ мағзини баланд тутган тенгдоши борлигини ва кўн келиб дунё аҳли ўша маъқ атрофида жам бўлишига ишонади.

Боборован  
ҲОЗИДИНОВ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### 2019-2021 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш Ўзбекистон Республикаси жадал ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланади.

Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари шиддат билан ривожланаётгани ислохотларни мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси етакчилари қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгирлашни таъминлайдиган замонавий инновацион гоёлар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда амалга оширишни тақозо этади.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил ишлаб чиқаришни модернизация, диверсификация қилиш, унинг ҳаж-

мини ошириш ҳамда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар турларини кенгайтириш борасидаги ишлар лозим даражада олиб борилмаётганини кўрсатди.

Хусусан, бу борада кўплаб қўрсаткичларнинг мавжуд эмаслиги ва ишлар самарали мувофиқлаштирилмагани сабабли мамлакатимиз сўнги йилларда нуфузли ва обрўли халқаро тузиммалар томонидан тузиладиган Глобал инновацион индекс рейтингига иштирок этмапти.

Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларининг илмий муассасалар билан ўзаро ҳамкорлиги даражаси пастлиги, вазирлик ва идоралар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг инновацион ривожланиш соҳасидаги фаолияти лозим даражада мувофиқлаштирил-

маётгани бу борадаги биринчи навбатдаги мақсадлар ва вазифаларга эришиш имконини бермаяпти.

Жаҳон фанининг замонавий ютуқлари, инновацион гоёлар, ишланмалар ва технологиялар асосида мамлакатни жадал ривожлантириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларнинг ижросини изчил таъминлаш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси (кейинги ўринларда Стратегия деб юритилади) т-иловага мувофиқ;

(Давоми 2-саҳифада)

## KUN MAVZUSI

### ТОНГГИ БАДАНТАРБИЯ, БАРИБИР ҲОЙДАЛИ



Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашида жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш масалалари, бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар муҳокама-сига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирда Ёшлар иттифоқи, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Республика хотин-қизлар кўмитаси, "Маҳалла" ҳайрия жамоат фонди, Миллий олимпия кўмитаси мутасаддилари, олий таълим муассасалари проректорлари иштирок этди.

Йиғилишда оммавий спортни ривожлантириш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш

сига мутасаддилари, олий таълим муассасалари проректорлари иштирок этди.

Йиғилишда оммавий спортни ривожлантириш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш

ва турли спорт мусобақаларини ўтказиш бўйича фикр алмашилди.

— Ёшларнинг бандлигини таъминлаб, спортга жалб этсак, турли салбий ҳолатларнинг олдидан олинади, — дейди Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қаҳрамон Қуронбоев. — Аяни пайтада мамлакатимизда 50 мингга яқин спорт зал, 38 мингдан зиёд спорт майдончаси бор. 48 минг нафар мураббий наврастлар хизматига шай. Афсуски, ҳанузгача ушбу имкониятлардан унумли фойдаланилмапти.

Мулоқот давомида Олий таълим муассасалари ўртасида "Ёшлар иттифоқи кубоги" спорт мусобақаларини ташкил этиш, таълим муассасаларида тонгги бадантарбия машғулотини қайта йўлга қўйиш таклифи ўртага ташланди.

Яқунда ёшларни спортга жалб қилиш, истеъодли спортчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича қилиниши лозим бўлган ишлар белгилаб олинди.

Шаҳноза НУРУЛЛАЕВА

### АҚШ ФУҚАРОЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОҲАСИДА МАМЛАКАТИМИЗ ЭРИШГАН ЮТУҚЛАРНИ ЭЪТИРОФ ЭТДИ

АҚШ Меҳнат вазирлиги томонидан 2018 йил 20 сентябрь кунини эълон қилинган болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисидаги 2017 йилги ҳисоботга мувофиқ, Ўзбекистон тўртинчи ўриндан иккинчи ўринга кўтарилиди. Меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида «қонунчилик билан тартибга солиш, ҳуқуқни қўллаш, саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш, ҳуқуқат сиёсати ва ижтимоий дастурлар билан боғлиқ айрим жиҳатлар бўйича салмоқли чоралар кўрган мамлакатлар» тоифасига кирди.

Ҳужжатда қайд этилишича, мамлакатимизнинг бирданига икки поғона юқорилгани

давлатимиз томонидан пахта теримида болалар меҳнатидан фойдаланишга чек қўйиш бўйича қатъий чоралар кўрилгани билан боғлиқ. Ушбу вазирлик Халқаро меҳнат ташкилоти, ҳуқуқат ва мустақил ҳуқуқ ҳимоячилари ўтказган мониторинг натижаларига таяниб, болаларни пахта йиғим-теримида тизимли равишда жалб этишга тўлиқ барҳам берилганини эътироф этди.

Ҳуқуқат томонидан 2017 йилда қўрилган чоралар ғўриганига ҳисобтада болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг олинди олиш ҳамда унга чек қўйишга қаратилган Фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масалалари

бўйича Парламент комиссияси ташкил қилинганни қайд этилган.

Шунингдек, Ўзбекистон эришган муваффақиятлар қаторида қишлоқ ҳўжалиги эканларини диверсификация қилиш, гўза майдонларини қисқартириш, пахтанинг харид нархини ошириш ва уни йиғишни механизациялаштириш назарда тутилган аграр соҳани модернизация қилиш режаси қабул қилинган ва изчил амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланган.

АҚШ вазирлиги Ўзбекистонда етиштирилган пахта 2009 йилдан бўён ик бор «болалар меҳнатидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган товарлар рўйхати»дан чиқариб ташлади.

Юқоридки қайд этилган қарорлар фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида мамлакатимиз эришаётган ютуқларнинг навбатдаги эътирофи бўлиб, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган пахтанинг АҚШ бозорига кириши учун янги истиқболлар очади.

Таъкидлаш жоизки, аввалроқ АҚШ Давлат департаменти томонидан 2017 йилда одам савдоси билан боғлиқ вазият бўйича ҳисобот эълон қилинган ва унда Ўзбекистон болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам беришда катта ютуқларга эришгани учун учинчи тоифадан иккинчи тоифага ўтган эди.





## ЖИЗЗАХ:

“Меҳринг билан яшаймиз, Ватан!” шиори остида ўтказилган “Ёшлар ҳафталиги” якунланди

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташаббуси билан ўтказилган “Ёшлар ҳафталиги” ҳудуддаги тенгдошларимиз ҳаётида унутилмас воқеа бўлди. Истеъдодларни кашф этиш, уларга амалий ёрдам бериш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларига кўмаклашиш, ёшлар орасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик ва ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш лойиҳанинг устувор вазифасига айланди.

### ЁШЛАР ҚАЛБИГА ЙЎЛ

Ҳафталик доирасида вилоятдаги барча туман (шаҳар)ларда “Жиноятчиликка қарши курашнинг самарали усуллари” мавзусида учрашув, давра сўхбати, ўқув-семинарлар ўтказилди. Таъбирларда таълим муассасаси директор ўринбосарлари, ёшлар етакчилари,

психологлар, маҳалла фаоллари, профилактика инспекторлари иштирок этди. Иштирокчиларга муаммони ҳал этиш борасида Ёшларга ижтимоий психологик хизмат кўрсатиш маркази ва Тошкент давлат шарқшунослик институти психолог мутахассислари томонидан

керакли маслаҳат ва тавсиялар берилди. Шунингдек, мавзуга алоқадор тақдиротлар ҳам намойиш этилди. Учрашувларда ёшлар масаласида фаолият юритувчи масъуллар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олди.

### ТАРҒИБОТ БИЛАН ЧЕКЛАНМАЙЛИК

Жорий йилнинг ўтган 8 ойи мобайнида вилоятда ёшлар уртасидаги жиноятнинг олдини олиш борасида 1 минг 600 дан зиёд тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилиб, уларда 31 минг нафардан ортиқ ёш қамраб олинган. Шунга қарамай, мавжуд вазиёт ижобий томонга силжигани йўқ. Хусусан, ҳудуддаги 82 нафар йигит-қиз ички ишлар профилактик ҳисобига олинган ва улар билан алоҳида тартибда ишланмоқда. Эндликда вило-

ят масъулари фақат тарғибот билан чекланмай, аниқ режа асосида амалий ишларга бош қўшган. — Вилоятдаги интернет клублари ва дискотекаларда доимий равишда рейд ўтказилган, — дейди Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши бўлим муdiri Тўлқин Аҳмедов. — Жараёнда аниқланган салбий ҳолатлар юзасидан тегишли чоралар кўрилмақда. Ёшларга бўш вақтини беҳуда ўтказмаслик, оила ва жамиятга наф келтириш борасида керакли маслаҳатлар берилаётир.



### ЯПРОҒИМИЗ АЗИМ ЧИНОРНИНГ...

Гўзал туйғуларни тараннум этиб, нозик ҳисларни қалам орқали ифода этадиган бир гуруҳ ижодкор ёшлар учун Ғаллаорол туманидаги мажнунтоллар соя соған, сўлим “Маржон” болалар оромгоҳида таниқли шоир ва ёзувчилар билан учрашув ташкил этилди. Унда Ёзувчилар уюшмаси, Республика ёш ижодкорлар кенгаши томонидан тўрт нафар ёш ижодкорнинг шеърий тўпламини чоп этишга

тавсия қилинди.

Қолаверса, ижодий учрашувда иштирок этган 20 нафар тенгдошимиз кенгаш аъзосига айланди. Бахмал, Шароф Рашидов туманларида ўтказилган ижодий учрашувларда истеъдодли ёшлар Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Ёшлар иттифоқининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Куннинг иккинчи қисмида ижодкорлар Дўстлик туманидаги “Манас” қиш-

лоқ фуқаролар йиғинига ташриф буюрди. Президентимиз ташаббуси билан 45 кунда замонавий қиёфа қайб этган қишлоқдаги 250 ўринга мулжалланган маданият саройида ижодкорлар манасликлар билан учрашди. Кўтаринки руҳда ўтган тадбирда маданият саройи қошидаги “Маржон” ашула ва рақс ансамбли томонидан тайёрланган саҳна кўриниши намойиш этилди.



### ПСИХОЛОГ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ҳафталик мобайнида кўлаб нотинч ёш оилалардаги ажримларнинг олди олинди.

— Оила кўрмоқчи бўлган аксарият ёшлар қабулимизга келмайди, — дейди психолог

Мастура Валиева. — Менталитетимизда руҳшунослар фақат ақли носоғлом кишилар билан ишлайди, деган нотўғри тасаввур шаклланган. Оила кўрган кейин эр-хотин фельд-атворида муаммо

юзага чиқади. Бу эса, оилавий низо, жанжалларга, ундан сўнг ажримга сабаб бўлади. Ҳар бир туман, шаҳар ФҲДЭ бўлимида психолог қабули ташкил этилса, ёшлар бундай муаммога дуч келмас эди.

### ДИРЕКТОР ВАЪДА БЕРДИ

Ёшларни спортга жалб этиш, уларни жисмонан чиниқтириш мақсадида Бахмал туманида 800 нафар ўғил-қиз иштирокида бадантарбия машқлари ўтказилди.

Шунингдек, “Ёшлар марафони” ташкил этилиб, унда минг нафардан зиёд ёш иштирок этди.

Бундан ташқари, 500 нафарга яқин тенгдошимиз футбол, кураш, стол тенниси, бадий гимнастика, бокс, таэквондо бўйича маҳоратини намойиш этди.

Мусобақалар якунида ғолиб ва совриндорлар аниқланиб, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Шундай спорт мусобақалари Ғаллаорол, Шароф Рашидов туманларидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида ҳам ўтказилди.

— Мактабимизда 1 минг 200 нафар ўқувчи таҳсил олади, — дейди Шароф Рашидов

туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаб директори Бахтиёр Исломов. — Уларга ўз касбининг устаси бўлган 32 нафар мураббий устозлик қилляпти. Бугунги тадбир ёшларимиз шижоатига шижоат қўшди.

Дарҳақиқат, мазкур мактабдан кўлаб Ўзбекистон, Осиё ҳамда жаҳон чемпионлари етишиб чиққан. Афсуски, айни пайтда ушбу муассасада спорт инвентарлари етарли эмас. Машғуллот заллари эса, таъмирталаб аҳволда.

Бир сўз билан айтганда, спортсевар ёшларга етарлича имконият яратилмаган. Бу ҳақида мактаб директорини мурожаат қилганимизда вазият яқин орада ижобий томонга ўзгаришини маълум қилди.

Ҳафталик давомида вилоятда спортнинг 23 тури бўйича мусобақалар ташкил этилиб, уларга 2 минг 328 нафар ёш қамраб олинди.



### ЭЛДОРНИНГ КЎКСИ ТОҒДЕК ЮКСАЛДИ

Шароф Рашидов туманидаги Қўшбармоқ қишлоғида истиқомат қилувчи Элдор Ғайбуллаев болалигидан II гуруҳ ногирони. Йиллар давомида дарга билан курашиб келаётган дўстимиз мустақил ҳаракатлана олмади. Ҳафталик мобайнида ижтимоий ёрдам ва ҳимояга муҳтож мазкур оила ҳолидан хабар олинди.

— Элдор соғлом бўлиб туғилган эди, — дейди онаси

Гулчехра Асатиллаева кўз ёшини яшира олмади. — Касаллик бошланганда моддий етишмовчилик сабаб ўз вақтида шифокорга кўрсатма олганимиз тўғрисида тўғри ҳақиқат бўлиши шубҳасиз. Мутасаддилар ўғлимга ногиронлик аравачасини тўғри қилди. Уларнинг оиламизга кўрсатган سخаватидан жуذا ҳам хурсанланам.

Шу тариқа танти халқи, сўлим тоғли табиати,

адоқсиз кенгликлар билан ажралиб турадиган Жиззах вилоятидаги “Ёшлар ҳафталиги” ниҳоясига етди. Минглаб ёшларнинг орзу-истаклари, ҳаракатларини ўзида бирлаштирган ҳафталикда уларнинг ютуқлари билан биргаликда мавжуд муаммолари ҳам аниқланди. Вилоят мутасаддиларига камчиликларга барҳам бериш борасида кўрсатма ва тавсиялар берилди.



KO'NGILDAN KO'CHIRMALAR

# Sudralgan choriq

Dilrabo NURIDDINOVA

Talabalar odatda "Hamma bir kishi uchun, bir kishi hamma uchun", degan shiorga birdek rioya qilishi shart. Bu yo'zilmagan "qoida". Yo'qsa, yakkalanib qolasiz.



Birinch bosqichda o'qiydiz. To'rt "para" darsga hali moslasha olmaganimiz sababli, guruhimiz bilan kelishgan holda darsdan qochdik. Ertasi kuni hech narsa bo'lmagidek keldik. Guruh sardorimiz og'zimizga "mahkam" bo'lishni aytib o'tdi. Xonaga guruh rahbarimiz kirib keldi. Darsimiz "ma'naviyat soati"ga aylani ketdi. Birinchi partada o'tirganligim bois, o'z-o'zidan o'rimdan turdim. O'qituvchimiz menga qarab vazminlik bilan gapira boshladi: "O'quv yili boshida ota-onalar yig'ilishida onang "Qizim institutga shartnoma asosida kirgan, qiyinsam ham o'qitib olay, kelajakda o'z yo'lini topib ketsa bo'lgani", degan edi. Hech bo'lmagan o'qishingga pul to'layotganlarning hurmati uchun, chekayotgan mashaqqatli mehnatini qadrlab, o'qimaysanmi? Darsdan qochib nima qilasan? Ust-boshing butun.

Qorning to'q. Kimdan kamsan? U jig'ibiyron bo'lib yana nimalamidir so'ylar, biroq menga qarata aytgan "Kimdan kamsan?" degan gapi qulog'im ostida takror va takror jaranglardir. Birovga ko'z yoshimni ko'rsatmas edim. Volidam haqida gapirgani uchun bo'g'zimga nimadir qadald, o'zimni tutib turolmadim. Ehtimol, birinchi marta bunday noqulay vaziyatga tushganim sabablidir. U haq edi, ayb o'zimizda. Shu onda ko'zim beixtiyor oyoq kiyimimga tushdi. Zamonaviy va qimmatbaho oyoq kiyimim bo'lib, lekin oyoqlarim oldinga itilib yashashni unutib qo'yibdi... Mening o'qishga qiziqishim balandligi sababli chekka qishloqdan shahariga ko'chib keldik. Maktabni shu yerda o'qidim. Ko'nikib ketishimiz ancha qiyin bo'ldi, negaki, dadam oddiy usta, onam uy bekasi. Dadamning topgani

kiyimim yirtilmadimi", degan xavotirda qarab qo'yaman. Olimpiada boshlandi, nizomga ko'ra boshlang'ich sinf o'quvchilariga ona tili va matematikadan test topshiriqlari berilar, shuningdek, husnixatiga ham alohida e'tibor qaratilardi. Hamma topshiriqlarni bilimimga tayangan holda yechdim. Ko'nglim to'q edi. Olimpiada yakunida bir o'qituvchining taklifi bilan o'quvchilarning she'r ayitish qobiliyati ham sinovdan o'tkazilib, baholanadigan bo'ldi. She'rku muammo emas, ammo menda aktyorlik mahorati yo'q. O'zim tengi qizning yig'lab "Ota" haqida she'r ayitishi hammani hayratga soldi. Demak, men "Ona" haqida she'r aytaman, lekin yig'lay olmasligim, tabiiy. Navbat menga yetganda, o'rimdan turdim: "Abdulla Oripovning "Ona" she'ri...", deyishim bilanoq ko'zimdan duv-duv yosh to'kila boshladi. O'zim she'r aytayapman-u, ko'zim "skoch"i qo'porilib, "og'zi" ochilib qolgan poyabzalimda. She'r tugasa hamki ko'z yoshimni to'xtata olmadim, uyga qanday ketishni o'ylardim. Olimpiada yakunida 1-o'rinni qo'lg'a kiritganimni eshitib, hammasini unutdim. Xursandchilikka "keta" bilan "sudralib" uyga qaytdik. Ayni damda, shahdam qadamlar tashlashga menda imkon bo'lmasa-da, a'lo o'qib, katta-katta marmarlarni zabt etib, hayotimni o'zgartirishga ishonar edim... Beixtiyor chalingan og'ng'iroq ovozdian dars tugaganini sezdim. Qaysidir kursdoshim o'qituvchimizning gapidan ta'sirlangan, ba'zilari esa o'z bilganlaricha pichirlashib gaplashib turardi. O'qituvchi esa norozi kayfiyatda xonani tark etdi. Bus-butun, zamonaviy tufilda (bu gal oyoq kiyimim emas, o'zim "sudralib") uyga qaytar ekanman, yoshligimda kichkina jussam bilan topgan umidni, shijoatni yo'qotib qo'yganimni angladim.

PSIXOLOG MASLAHATI

Negadir keyingi paytlarda xasis bo'lib qolayotgandayman. Pulni kerakli ishga ham sarflagim kelmaydi. Fikri xayolim yig'ish, zaxira qilib qo'yish. Pul ishlatsam tushkun kayfiyatga tushib qolyapman. Bunday vaziyatda nima qilсам bo'ladı?

Mohinur ABOROVA  
Navbahor tumani

Savolga psixolog Feruza TOLIPOVA javob beradi:



Inson biror to'xtamga kelganda, albatta, uning zamirida maqsadga erishish hissi yotadi. O'yab ko'ring, ko'pdan beri amalga oshirilmayotgan ishlaringiz uchun mablag' masalasi zarurdir. Shu sababdan biror rejani amalga oshirish uchun beixtiyor pul to'plashga kirishgandirsiz. Pul yig'ish kishidan kuchli iroda va sabr talab etadi. Sizni shunday fazilat egasi bo'lganingiz quvonarli hol. Ammo har bir ishingning me'yori

bo'lganidek pul yig'ishni ham me'yorda ushlab turung. Maosh olganingizda haftalik yoki oylik sarf-xarajatlarni oldindan yon daftaringizga qayd eting. Shundan kelib chiqib zarur narsalarga pul ajratishni unutmang. Qolgan mablag'ni zaxira uchun olib qo'ying. Vaqti kelib pul sarflamaganingizdan afsuslanadigan vaziyatga tushib qolmaslik uchun har bir ishingizni sarhisob qiling. Avvalo, o'zingizni taftish qilishni o'rganing.

SABOQ

# So'z bilan ishning birligi

Abdulla RUSTAMOV

Kichkina bir bolaning asalg'a allergiyasi bor ekan. Ammo unga ota-onasi "asal yema" degan sayin bola yanada ko'proq yeydigan bo'libdi. Farzandining tani sog'lig'idan xavotirlangan ota-onasi uni bir oqsog'ol kishining oldiga olib borib:

ham boshini egib "Endi asal yemayman", deb va'da beribdi. Bundan hayron bo'lgan ota-ona oqsog'oldan: — Aytganingiz bor-yo'g'i bir og'iz so'z-ku, nimaga endi shuning uchun bizni qirg kun kuttingiz? — deb so'rabdi. Shunda oqsog'ol: — Bolangiz bilan kelgan kuningiz nonushtaga asal yegandim. O'sha paytda agar o'zim yegan narsani boshqaga yema, deb aytdigan bo'lsam, bola mening gapimga kirmas edi. Tanamdagi asal butunlay yo'q bo'lib ketishi uchun qirg kun o'tishi kerak edi. O'shandagina men bolangizga asal yemagim, deb nasihat berishga haqli edim, — deya javob bergan ekan. Xulosa: Bu gapda so'z bilan ishning birligi haqida hikmat bor. Har kim o'zida yo'q narsani boshqalardan talab qilishi yoki har bir narsani o'zida sinab ko'rib, keyin boshqalarga taklif etishi kerak. Odam birovga maslahat berishi yoki nasihat qilishi uchun, avvalo, o'zi shunga loyiq, halol va odil bo'lishi lozim.

— Bolamizga asalning ziyoni bor, ammo unga qancha yema desak ham, gapimizga kirmaydi. Siz aytib tushuntirangiz, balki gapingizga kirib, asal yeyishni bas qilarmikan, — debdi. Shunda oqsog'ol: — Hozir hech narsa deya olmayman, bolangizni yonimga qirg kundan keyin olib keling, — deb javob beribdi. Oradan qirg kun o'tib, ota-ona farzandini yana o'sha oqsog'olning oldiga olib beribdi. Oqsog'ol bolani yoniga o'tirg'izib, qo'li bilan boshini silab "Asal yemagin", debdi. Bola

BILASIZMI?



Pora berish, ya'ni mansabdor shaxslarga pora bergan shaxsning manfaatlarini ko'zlab muayyan harakatni bajarishi uchun moddiy qiymatliklar berish (mulkiy manfaatdor etish): — 9 million 215 ming so'mdan 18 million 430 ming so'mgacha jarima; — ikki yildan besh yilgacha ozodlikni cheklash; — besh yilgacha ozodlikdan mahrum qilish bilan jazonaladi. Manba: Adliya vazirligining Huquqiy axborot kanali

MUASSIS  
O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI  
MARKAZIY KENGASHI  
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.  
Bosh muharrir  
Karimov Faxriddin Turdaliyevich

TAHRIR HAY'ATI  
Mansur Bekmurodov, Laziz Tangriyev, Madamin Safarov, Alisher Sa'dullayev, Dilmurod Nabyev, Azim Mirzajonov, Nodir Abduqodirov, Nargiza Umarova – bosh muharrir o'rinbosari ("Yoshlar ovozi"), Irima Kochergina – bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"), Yelena Kalinina – mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")

Dizayner  
Abdullayev Xurshid O'ktamjonovich  
Navbatchi  
Hasan Usmonov

"YOSHLAR OVOZI" dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. I belgisi bilan tijoriy materiallar chop etiladi.

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.  
Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97. (371) 233-79-69 (faks)  
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz  
"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi. Hajmi – 2 bosma taboq. Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.  
Indeks: 203, 3203  
Bahosi kelishilgan narxda.  
Buyurtma G-936 Adadi – 11779  
Boshlagha topshirish vaqti – 21.00 Topshirildi – 22.30 O'za yakuni – 22.25  
Oshet usulida bosilgan.

MULOHAZA UCHUN MAVZU

Muqaddas MUSAYEVA

## ERTAKLAR QAYERLARGA YETAKLAR?

Bobom "Kitob bilan do'st tutin, u eng yaxshi maslahatgo'yig bo'ladı", desa jonsiz buyum bilan ham do'st bo'lish mumkin ekanmi deya hayron bo'lardim. Bo'sh qoldim deguncha, qo'limga kitob tutqazishdan hech erinmasdi. Mutolaadan so'ng esa, nimani tushunganimni so'zlab berishimni talab qilardi. Tinglab turib, nimani anglaganimni-yu, qaysi jihatlarga e'tibor qaratmaganimni tushuntirib ber edi.



Bu ertakni o'qib, ukamning oldida xijolat bo'ldim. Na ma'no, na mantiq bor. Boshqa ertaklar qanday ekan, deb o'qishda davom etdim. Endi "G'ulom polvon" da gi ushbu she'rige e'tibor bering:

Sharob bersang ichaman, Aralashib yuraman. Qimiz bersang ichaman, Cholim bersang chekaman, Chimchilashib yuraman. Bu she'r emas, mast qiluvchi ichimlik va tamaki targ'ibotining o'zginas! Keyingisi "Besh qiz" ertagi. "...Ko'z oldimda uni qilich bilan chopib o'ldirdi"... "Duradgor va tikuvchi" ertagida: "Azroil shu kecha qiz bilan birga bo'libdi. Qiz uxlab qolgandan keyin Azroil sekin chiqib kiyimlarini kiyib, sandiqqa tushibdi". Bu hammasidan oshib tushdi. Axir bu ochiqchasi fahshni targ'ib etish emasmi? Ertaklarni o'qiganim sari nafretim oshardi. "Davlat bilan Mahamat" nomli mazkur kitob "Davir press" nashriyatida 2012-yili chop etilgan

ekan. Uning ilk sahi-fasida xalq og'zaki ijodi orqali tarixni, madaniyatni o'rgatish imkonligi, qolaversa, kelajak avlod ongiga milliy ruhni singdirish imkonligi haqida yozilgan. Kitob taqridida fikrlar va undagi ertaklarni muvovasa qilgan kishini yuvuzlik va fahsh madaniyatni, degan og'riqli savol qiyinlashi tayin. Uning ikki ming nusxada chop etilgani-chi? Kelajagimiz bunyodkorlariga kitobdan yaxshiroq do'st bo'lmagilgini uqtiramiz-u, mana bunday ma'naviyatdan yiroq, buzg'unchilik, shafqatsizlikni singdiradigan ertaklarni chop etamiz. Adadi kichik bo'lmasdan bu ertaklar yuzlab, minglab xonadonga kirib borishini o'yab etim junjikki. Hali murg'ak qalbi ila dunyoni sizni bizning nigoimiz bilan ko'ra boshlagan narvasta biz boshlab bergan yo'ldan yuradi. Shunday ekan, aziz ota-onalar, kelajagimiz egalaringni buguniga befarq bo'lmaylik.

HIKMAT

Odamlarning foydalisi — odamlarga foyda keltiradiganlaridir.

Umar XAYYOM

1 SAVOLGA 1 JAVOB

— Moliyaviy jihatdan qiyinalib qolganim tufayli o'zim ishlab turgan tashkilotdan bo'shab, ko'proq haq to'laydigan boshqa ishga o'tishga majbur bo'ldim. Ammo ushbu tashkilot qolib ketgan ikki oylik maoshimni bermadi. Bu qonunga zid emasmi?

Murod KARIMOV  
Samarqand viloyati



Savolga huquqshunos Avaz ISKANOV javob beradi:

— Albatta, tashkilotning ushbu xatti-harakati qonunga zid. O'zbekiston Respublikasi Mehnat kodeksining 161-moddasiga binoan mehnatga haq to'lash muddatlari jamoa shartnomasi yoki boshqa lokal normativ hujjatda belgilanadi va har yarim oyda bir martadan kam bo'lishi mumkin emas. Mehnat shartnomasi bekor qilinganda xodimga tegishli barcha summalarini to'lash mazkur Kodeksning 110-moddasiga muvofiq amalga oshiriladi. Jamoa shartnomasida ish beruvchining aybi bilan xodimga haq to'lash belgilangan muddatlarga nisbatan kechikkani uchun javobgarlik belgilangan.